

Шаҳар автоматлаштирилган бошқарув системаси нур булоқларини кенгайтиришга, хонадонларни Ильич чироқларидан нурафшон этишга даъват қилинган илғор коллективларнинг бири ҳисобланади. Унинг ишчи ва хизматчилари ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили план-топшириқларини муваффақиятли уддалаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда замонавий электрон ҳисоблаш техникаси билан жиҳозлантириш ишлари ҳам қизғин олиб борилаётир. Натижада Ўрта Осиё энергия системасининг ишини яхшилашга бу коллектив нурчилари қўшаётган ҳисса тобора ортиб боряпти.

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Владимир Дорошко иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

# Объектда иш қизғин

*Қурилиш майдонларида*

Сўнгги йилларда шаҳримизнинг Космонавтлар проспекти ҳамда Сапёрлар кўчаси тобора чирой очиб бормоқда. Бу ерда катта реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Эски пастқам уйлар ўрнида янги замонавий архитектура асосида қурилган кўп қаватли турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат объектлари, болалар ўйнайдиган майдончалар қад кўтарди. Ҳар иккала кўча муюлишида яна иккита тўққиз қаватли бино барпо этилмоқда. Бу икки уй бир-бирига туташган бўлиб, 2-3-4 хонали, 312 оилага мўлжаллангандир. Уйнинг биринчи қаватида маданий-маиший хизмат комплекси очилади.

Айни кунларда бу ерда меҳнат қилаётган Тошкент қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси бош пудратчи ва шу комбинатга қарашли 25-қурилиш бошқармаси (ёрдамчи пудратчи) қурувчилари объектни ўз вақтида топшириш учун қурилиш ишларини жадал суръатларда олиб боришмоқда.

— КПСС Марказий Комитети январь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган V пленуми қарорлари ҳамма қатори, қурувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди, — дейди биз билан суҳбатда прораб Убайдулла Нурлибоев. — Истиқбол режаларимиз белгилаб берилган бу ҳужжатлардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олдик. Шунга кўра бизнинг 4-қурилиш бошқармамиз биринчи мартдан бошлаб коллектив пудратига ўтиб ишлай бошлади. Келажаги порлоқ бу усул ҳаммамиз учун фойдалидир.

Бино қурилиши ўтган йили бошланган эди. Мазкур объектнинг умумий баҳоси тўрт миллион сўмга яқин туради. Ўтган йили шунинг икки миллион сўмга яқини ўзлаштирилди. Умуман шу йил охирига бориб бунёдкорлар ҳамма қурилиш ишларини ниҳоясига етказиб, мазкур иккита уйни ҳам фойдаланишга топшириш ниятидалар. Объект бўйича январь, февраль ойи планлари ортиғи билан бажарилди. Қурувчилар план бўйича 250 минг сўмлик ўрнига 270 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бу борада коллективнинг Муҳиддин Бердибоев, Леонид Кавалевский, Валерий Власов каби қурувчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар кунлик ва ойлик планларини ўрта ҳисобда 10—15 процент ошириб бажариб, касбдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳозир объектда монтаж ишлари олиб борилмоқда. Иш эса уч сменада ташкил этилган. Бинонинг умумий қурилиш ишлари тугалланган, пардозлаш ишлари кетмоқда. Бунда Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-пардозлаш трестининг 64-қурилиш бошқармаси бунёдкорларининг иши диққатга сазовордир. Улар шу йилнинг апрель ойида мазкур икки уйнинг дастлабки тўртта подъездида пардозлаш ишларини тамомлаб, фойдаланишга топшириш ниятидадирлар.

Хуллас, объектда иш қизғин. Кун сайин бинони фойдаланишга топшириш муддати яқинлашмоқда.

Ғ. ЮСУПОВ.

# ҚАРДОШЛАРИМИЗ ЁРДАМИ БИЛАН

**Республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишчи кадрларга эҳтиёж катта. Бу соҳада қардош республикалар ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ҳунар даргоҳларининг бу борадаги ташаббуслари қувонарлидир. Эндиликда Ўзбекистондан қардошларимиз ҳузурига ҳар йили кўплаб ёшлар касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишга юбориладиган бўлди.**

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети, республика Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг қарори билан ҳар бир область у ёки бу республикага бириктириб қўйилди. РСФСРнинг Волгоград области ҳунар-техника ўқув юртларида Тошкент шаҳридан борган ёшлар, Иваново областида эса пойтахт областидан борган ёшлар ишчи касбларини эгалламоқда.**

А. АЛИЕВ.

# ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Елимловчи станокнинг диафрагмасига ўрнатилган ўқ қолиплаш участкасида иш унумини анча оширишга, ремонт ишларининг сифатини яхшилаш имкониятини яратди. Қолаверса, янгилик шарофати билан иш жараёнларини бир мунча такомиллаштиришга кенг йўл очилди. Ихтирочи-рационализаторлар Жўрабой Алиматов ва Адҳам Иброҳимовнинг бу ихтироси шиналар ремонти заводида яратилган тўртинчи янгиликдир. Уни корхона инженер-техник ходимлари юқори баҳолашмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни бугунги кун талабига мувофиқ қайта қуриш ва фан-техника ютуқлари асосида меҳнатни ташкил этиш асосий вазифага айланган. Ана шу мақсадда амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Айниқса, Зоид Азимов бошлиқ комплекс бригада ишчилари меҳнат қилаётган участкада бу ҳол яққол кўзга ташланмоқда. Бу ерга ўрнатилган «Приматишка» станоги ремонтчи-слесарларнинг кўп ва сифатли иш бажаришларига катта қулайлик туғдирмоқда. Қолаверса, смена нормасига қўшимча бажарилган ялпи иш ҳажми бригадада ҳар куни 20 процентни ташкил этаяпти.

Р. АЛИЕВ.


# ВЕТЕРАН

№ 4 (45)


Яхши анъаналаримиз

# Инсоний бурч

Биз уларни кўрмаганмиз, номларини, турфа феъл-атворларини тенгдошларидан — бутун мамлакатимиз бўйлаб қайта қуриш ишлари уюшган ҳолда олиб борилаётган бир пайтда кексайиб қолганликлари, ногиронликларига қарамай оёққа турган уруш ҳамда меҳнат ветеранлари оғзидан эшитганмиз. Улар — ишқ-муҳаббат болини тотмаган ўттиз уч навқирон йигит, ҳаёт бўлсалар, меҳнат фароғат жабҳасида ёнма-ён туришлари мумкин бўлган ўттиз уч елкадош, ўттиз уч хонадон эгалари... Уларни кута-кута оналари, оталари кўз юмди, уларни кута-кута қанчадан-қанча баҳор чечаклари унди, унмоқда... Дунёга келиб дунёнинг мусаффо юзини кўрганимиз учун, рўзғоримизнинг бутлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги учун уларни унутмаслигимиз керак.

Ахир улар ариқ қазиб сув чиқарганлар, Бешқўрғону Чорбоғ, Тариқтешару Қонқус қишлоқларини бунёд қилганлар. Инқилоб йиллари Ленин байроғини баланд кўтариб колхоз тузган, зиё таратган кишилар-ку. Мардикорликка олиниб, Октябрь революцияси курашларида қатнашган Толиб ота Рўзиевни, Жўнаидхон тўдасини зир титратганлар қаторида бўлган Орифхўжа ота Муҳаммадраҳимовни, қишлоқнинг биринчи муаллими Раҳим акани унутиб бўладими? Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ватан учун, тинчлик учун қон тўкиб мангуликка бош қўйган ака-ука Қўзибой, Туробжон Усмоновларни-чи? Уларнинг оналари —ўғилларим келиб қолади, дея икки букилиб кўчага қараб-қарай ёлғизликда кўз юмган Ойша бувини-чи?!

Дастлаб уч киши — шоир Турсун Иброҳимов, кекса ветеран Абдусалом Абдухолиқов, ветеран боғбон Раҳмонберди Жўраевлар қизғин баҳс бошладилар. Мақсад қабристонни ободонлаштириш, қишлоқнинг урушдан қайтмаган фарзандлари номини абадийлаштириш, Хотира уйини тиклаш эди. Маҳалла аҳли бу фикрни маъқуллади. Ҳашар йўли билан Хотира уйи тикланди. Пештоқига зарҳал ҳарфлар билан «Тошкент шаҳар Чилонзор район Усмон Юсупов маҳалласи Бўтабува қабристони қошидаги Хотира уйи (боғ-музей)» деган лавҳа осилди. Йўллар, йўлкалар асфальтланган. Алоҳида хонада стенд: инқилоб курашчилари-ю зиё тарғиботчиларининг, жанг йўлларида қолиб қайлардадир тинчлик, тараққиёт учун унсиз жар солаётганларнинг, урушдан омон қайтмаганларнинг катталаштирилган суратлари осилган. Бино олди гулзор, атроф боғ. Гулзордаги ҳали гулбаргларини ёзмаган атиргуллар, нарида янгигина экилган гилосу шотутлар, чинорлар-у ёнғоқлар баҳорнинг илиқ шабадасида силкиниб-силкиниб бўй қўяётгандек, кимларнидир йўқлаётгандек.

— Болагинам, сен мен билан биргасан, юрт билан биргасан,—дейди Хотира уйи очилишига келган Розия буви урушдан қайтмаган ўғли Ёқубжон Расулов сурати олдида тўхтаб. — Жўнаб кетаётганингда қандай бўлсанг, ўшандайсан... Ўн саккиз ёшингдан ўргилай, мундай улғаймабсан ҳам... Ўтганларни, яхшиликнинг йўрғини тутганларни ўз ардоғига олган ҳукуматга раҳмат...

Усмон Юсупов маҳалласи аҳли бир йил бадалида ўз кучи, ўз маблағи билан Хотира уйини бунёд қилди. Айтишга осон. Ўзидан кечмаган ўзганинг кўнглини ололмайди. Бу хайрли ишларда уруш ва меҳнат ветеранларидан Эргашали Юсуфалиев, Абдусалом Абдухолиқов, турли касб эгаларидан Маҳмудали Ҳасаналиев, Аҳмад Юсупов, Норхўжа Абдуҳолиқов, Исмоил Қозоқов, Карим Ортиқов, Жўравой Хасаналиев, Қўзибой Комилов, Мўминжон Солиев, Ҳусан Соатов, Тожибой Солиев ва бошқалар камарбасталик қилдилар.

— Қандай қилиб Хотира уйи қуриш фикрига келдинглар? — сўраймиз Турсун Иброҳимовдан.

— Билмадим, эҳтимол бу Коммунистик партиямизнинг XXVII съезди, кейинги Пленумлари, — дейди у, — илдизи худбинликка бориб тақаладиган иллатларни очиб ташлаб жуда тўғри иш қилдики, биз шундан рағбат, куч олгандирмиз. Ҳар қалай, одамнинг бир ўзи яшамайди. Қўшнинг бор — сен бор, Ватан бор — орзу ҳавасинг бор... Урушдан қайтмаган оталаримиз, акаларимиз аслида сиз билан бизнинг биноларимизни тикладилар, чироқларимизни ёқиб кетдилар. Буни унутиш мумкин эмас.

— Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — дейди Турсун Иброҳимов Калинин район Иваново совхози директори Фарухбек Султонбековга маъноли қараш билан. —Ёдгорлик ўрнатиб, урушдан қайтмаган ҳамқишлоқларимизнинг номларини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўямиз. 9 Май — Ғалаба куни. Шу кунгача режамизни ниҳоясига етказсак ажабмас...

Улар яна бир-бирларига қараб олишди. Осмонда қуёш, кўзларда қуёш, кўнгилларда қуёш... Қуёшга юз тутганларнинг эса йўллари ҳамиша ёруғ бўлади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.






СУРАТЛАРДА: Хотира уйи (боғ-музейи) очилиши муносабати билан ташриф буюрган уруш ва меҳнат ветеранларини пенсионерлар табриклашмоқда; Хотира уйи очилиши тантанасига келган маҳалла аҳли.

Автор фотолари.

# «ВЕТЕРАН»НИНГ СПРАВКА БЮРОСИ

**Ҳурматли редакция! Турар жой ордери қандай олинади ва у қай ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Б. Содиқов,**
**Х. Каримов,**
**меҳнат ветеранлари.**

Давлат ёки жамоат уй-жой фондига қарашли уйдан турар жой бериш тўғрисидаги қарорга асосланиб, халқ депутатлари район, шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советининг ижроия комитети гражданга турар жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир асос ҳисобланган ордерни беради. Бу ҳақда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССРнинг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1984 йил 1 январдан кучга кирган Қонунида аниқ белгилаб берилган. Шунга кўра, ордер фақат бўш бўлган алоҳида турар жой учун берилади. Ордернинг шакли Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйилади. СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ, ҳарбий шаҳарчаларда турар жой олиш ордерлари СССР қонунларида кўзда тутилган тартибда берилади.

Гражданлар ўз уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлиги тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар топширган ёки ташкилотларнинг ордерда кўрсатилган турар жойни олиш ҳуқуқи бузилган тақдирда мансабдор шахслар турар жой бериш масаласини ҳал қилиш пайтида ғайри-қонуний ҳаракат қилган бўлса, шунингдек, турар жойлар бериш тартиби ва шартлари бузилган бошқа ҳолларда турар жой олиш ордери суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ордер берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида қўзғатилиши мумкин. Бундай талаб, агар ордер уни олган шахсларнинг қонунсиз ҳаракатлари натижасида берилган бўлса, ордер топширилган кундан кейин уч йил ўтгач қўзғатилиши мумкин.

А. ҲАСАНОВ,
юрисконсульт.

Совет турмуш тарзи

# Умр мазмуни

**Уруш Тошкентдан, Қоратош маҳалласидан жуда узоқда эди. Лекин уруш ҳақидаги хабар, урушнинг совуқ нафаси бу ерларга тез, жуда тез етиб келди. Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи шаҳарлари, қишлоқлари ўт ичида эди. Оналар фарёд чекар, болалар чинқирар эди. Бомбалар, снарядлар улар овозини босиб кетарди... Лекин Ўзбекистонда, Тошкентда одамлар бу фарёдларни, портлашларни эшитишарди.**

**Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет кишилари, жангчилари она-Ватан учун жонларини фидо этишарди, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатишарди. «Биз беш киши эдик: Седов, Грутов, Боголюб, Михайлов, Селиванов. Биз 1941 йил 22.VI. соат 3.15 минутда биринчи жангга кирдик.**

**«Ўлсак ҳам қалъани ташлаб кетмаймиз», «Мен ўлаяпман, лекин таслим бўлмайман! Алвидо, Ватан!**

**20/VII — 41й.».**



Брест қалъаси деворларида қаҳрамон совет жангчилари ана шундай ёзувлар қолдиришаётганди. Бундай сатрлар кўп эди, тобора кўпаярди.

Ўша кунлари бутун Ўзбекистон оёққа турган, фронтга отланаётган эди. Тошкент ҳарбий комиссариатларида ҳам навбат кутаётганларнинг чеки кўринмасди. Уруш ҳақидаги хабарларни кутиш, тинглаб ўтиришга уларнинг сабри чидамасди, ғурури йўл қўймасди. Ана шундай ўзбек ўғлонларидан бири Носир Холиқов эди. У 6-нон заводида ишларди. Заводга ишчилар зарур эди. Фронтга, одамларга эса нон! Кунлар оғир кечарди. Носир тонгда заводга ўйчан йўл олар, тунда ўйчан қайтарди. Хаёлида уруш!

Маҳаллага қорахатлар кела бошлади, хонадонлардан оналар, оталар, болалар йиғиси чиқа бошлади. Бу йиғилар тўплар, бомбалар овозидан ҳам даҳшатли эди. Бундай пайтда йигит кишининг бош кўтариб юриши оғир эди. Носирнинг душманга нафрати ошиб, сабри чидамади. Яна ҳарбий комиссариатга борди. Ниҳоят 1942 йил ёзда у ҳам урушга кетди. Ўшанда Носир 28 ёшда эди. Онаси Савринисо ая, турмуш ўртоғи Алиниса ва уч кизи: Раъно, Маъруфа, Дилбар остонада унинг ортидан тикилиб қолишди. Фарзандларининг каттаси тўрт, кичиги бир ёшда эди. Улар оталари қаёққа кетаётганлигини ҳали билишмасди, англашмасди. Оталари ана шу фарзандлар ҳаётини, келажагини сақлаб қолиш учун кетаётган эди. Унинг қайтиш, қайтмаслиги номаълум эди. Буни болалар тушунишмасди. Фақат катталар тушунишарди. Шунинг учун ҳам Савринисо ая ва Алиниса уни кўзда ёш билан, дард билан кузатишди. Омонлик тилаб, зорланишди.

...Носир ака ўз хизматлари, жасорати ҳақида кўп гапиришга унчалик интилмасди. Йўқ, қизиқарли воқеалар, ёрқин жасоратлар камлигидан эмас. Урушда бир кун, бир соат бўлган киши ҳақида ҳам китоб ёзса бўлади, ёзилиши ҳам керак. Носир аканинг камгаплиги, табиатан камтарлигидан.

У хизмат қилган полк Ростов-Донда ҳимояда турди, сўнгра улар Харьков учун жангга киришди. Носир 130-гвардия полкида тўп расчётида ўқловчи эди. Совет қўшинлари Харьков операциясига жиддий тайёргарлик кўраётганди, Жанубий-Ғарбий фронтда Волчанск ва Барвенковск районларидан ҳужумни уюштиришни режалаштираётган эди.

Фашистлар Харьков районида катта куч билан «фридерикус» операциясига тайёрланаётганди. Улар Донецкда ўз мавқеларини тиклаб, Изюм районини ишғол қилиш пайида эди. Шундай қилиб, иккала томон ҳам ҳужумга шайланарди. Бу жанглар натижалари совет-герман фронти бутун жанубий қанотида муҳим аҳамиятга эга эди.

Аёвсиз жанглар бошланди. Тўплар тинимсиз наъра тортарди, порох ҳиди димоққа аччиқ уриларди. Шундай пайтларда Носир нон заводини, нон ҳидини қўмсарди. Қорни очлигини сезарди. Қоратош маҳалласида қолган, унинг йўлига кўз тикиб ўтирган онаси, хотини ва фарзандларини эсларди. Улар билан дийдор кўришиш учун беаёв курашиш, ғолиб чиқиш керак эди. Афсуски, маккор душман ҳозирча кучлилик қиларди. Совет қўшинлари Харьков чегарасида дастлабки жангларда оғир аҳволда қолиб чекинишди. Душман катта куч билан Шарққа интиларди...

Қўшинларимиз қайта куч тўплаб, босқинчилар йўлини тўсди. Чубуев, Изюм районларида жанглар кескин тус олди. Сўнгра жангчиларимиз қарши ҳужумга ўтишди. Душман саросимага тушиб қолди...

Худди ана шу кунлари Носир ва унга ўхшаш минглаб жангчилар уйларига ёзган хатларида ғалаба ҳақида, дийдор кўришиш ҳақида ишонч билан ёзишарди. Совет жангчиларида ғалабага, келажакка ишонч тобора кучаярди.

1943 йилнинг ёзида Харьков душмандан озод этилди. Фашистлар бу шаҳарни Украинанинг шарқий дарвозаси деб аташган эди. Бу дарвозадан манфур душман улоқтириб ташланди. Ана шу жангларнинг бирида Носир Холиқовга осколька тегиб яраланди. Госпиталда ётди, сўнгра Тошкентга қайтди. Қоратошдаги қадрдон гўша остонасида биринчи бўлиб қизларига дуч келди. Эшик олдидаги йўлакда ўйнаб ўтирган қизлари солдатни кўргач сакраб ўрниларидан туришди. Катта қизи Раъно «Адамлар келдилар! Адамлар...» деганича югуриб ҳовлига кириб кетди. Унинг кетидан сингиллари чопқиллашди. Ўша кезлари узоқдан солдатга кўзи тушган кексалар, «ўғлим келди» деб югуришар, болалар эса «адам келди» деб чопқиллашарди. Кейин у солдат бошқалигини билиб, тўхтаб қолишарди. Раънонинг адаси эса ростдан ҳам қайтган эди.

Носир маҳалладан фронтга кетган кўплаб дўстлари ҳалок бўлишганлигини эшитди. Бедарак кетганлар ҳам бор эди. Одамлар ундан ўғлини, акасини, укасини суриштиришарди. Афсуски, Носир фронтда бирорта ҳам ҳамшаҳрини учратмаганди.

У яна заводга ишга бормоқчи эди. Лекин район ҳарбий комиссариатида уни милицияга ишга тавсия этишди. Аҳволни тушунтиришди. Носир дастлаб оддий милиционер бўлди, сўнгра милиция ўрта мактабини сиртдан тугатди. Пенсияга чиққунча Октябрь районида участка инспектори бўлиб ишлади. Чақар, Қоратош, Олмазор, Қўрғон-теги... Бу маҳаллалардаги ёшу-қари уни танирди, ҳурмат қиларди. Ҳамон ҳурмат қилишади. Носир акани кўришса одамлар ўзларини четга олишмасди. Қайтага унга интилишарди. Қадрдонлардай кўришишарди, маслаҳат сўрашарди. У ҳеч кимга қаттиқ гапирмасди. Ўз ишини жазолаш эмас, тарбиялаш деб биларди. Ёшлар билан ўз ўғлидай, укасидай меҳрибонлик билан гаплашарди. Одамлар ёрдам сўраб келишини кутиб кабинетида ўтирмасди. Унинг ўзи одамларнинг олдига борарди. Чойхоналар, маҳалла комитетларида қариялар билан суҳбатлашиб, бамаслаҳат ишларди. Биров ножўя ҳаракат қилса уни «участковой келяпти» деб қўрқитишмасди. «Носир ака келяпти» деб уялтиришарди.

Бу кишининг нуроний чеҳрасига тикилиб, ширин сўзлигига қараб урушдан сўнг бир умр милиция ходими бўлиб ишлаганига ишонгинг келмайди. Яхши-ёмон билан гаплашиш, безори, жиноятчилар билан юзма-юз келиш, кўнгилсиз воқеалар милиция ходимлари юзида озми-кўпми ўз аксини қолдиради, муомалада ҳам. Носир аканинг чеҳрасида эса хотиржамлик, бахтиёрлик, очиқ табассум. Кўзлари тиниқ, беғубор боқади. Нега? Менимча, ўзининг ҳалол ишлагани, яшаганига ишончи комил, ўз ҳаётидан мамнун кишиларгина ана шундай боқишади.

Чорак аср ҳуқуқ-тартибот, қонунчилик посбонлигида бўлган Носир акадан ёдда қолган бирор воқеани ҳикоя қилиб беришини сўрайман. У мийиғида кулади:

— Қайси бирини айтсам экан? Кўп воқеалар бўлган...

— Ада, уруш йиллари бир-бирини йўқотганларни қандай топганлигингизни гапириб беринг, — суҳбатга қўшилади отанинг ўғли Нажмиддин ака.

Урушдан кейинги йиллар. Бир-бирини йўқотганлар, сарсон-саргардон юрганлар ҳисобсиз эди. Тошкент шаҳар милиция бошқармасига челябинсклик Калинин деган кишидан ариза келди: «Менинг акам Сталинградда ҳалок бўлди. Унинг хотини Сидоренко ёки Сидорина Тамара Андреевна уруш вақтида Тошкентда яшарди. Уни топишга ёрдам беринг».

Ариза Октябрь район ички ишлар бўлимига топширилди. Қидириш ишлари участка инспектори катта лейтенант Холиқовга юклатилди.

Носир ака қидирилаётган аёл бундан 20 йил муқаддам яшаган Многорогий тупигига қайта-қайта қатнади, лекин ҳеч ким уни эслай олмади. Охири у уруш йиллари шу ерда қандайдир бегона аёл яшаганлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Изланишлар давом этди. Ниҳоят, қидирилаётган аёл ва унинг қизи топилиб, қариндошлар бир-бирлари билан учрашишди.

— Ўша пайтларда ҳам ичкиликка қарши бўлгансиз-ку. Маҳаллаларда ёшлар бўш вақтларини ташкил этишда қилган ишларингиздан гапиринг, — деди ҳамсуҳбатларидан бири Фарҳод ака Убайдуллаев.

Дарҳақиқат, 60-йилларда Носир ака ичкиликбозликка қарши кескин кураш бошлаган эди. Бу кураш буйруқлардан, пўписалардан иборат эмасди. У қариялар, ҳурматли кишилар, педагоглар ёрдамида тарбиявий ишларга катта эътибор берарди. Олмазор маҳалласида унинг ташаббуси билан ёшлар комитети тузилганди. Комитет ёшлар ўртасида ибратли ишларни олиб борди, Маҳаллада шахмат, адабиёт, фото тўгараклар тузилди. Ҳашар йўли билан футбол, волейбол майдончалари, клуб биноси қурилди.

Ўз жанговар ва меҳнат фаолияти давомида Носир ака кўплаб орден, медаллар, мукофотларга сазовор бўлган. У ёдида қолган энг қимматли мукофотлардан бирини 1964 йили олган. Ўшанда милиция участка вакили сифатида маҳалла аҳолиси олдида навбатдаги ҳисоб бериши эди. Ҳа, худди шундай. У маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб, ҳисобот бериб турарди. Ана шу учрашувлардан бирида Олмазор маҳалласи аҳолиси Носир акага бўлган ҳурмат-иззатлари рамзи сифатида беқасам тўн кийдиришган эди. Инсон учун одамлар ҳурматига сазовор бўлишдан ортиқ бахт борми.

Носир аканинг ҳаёти ҳақида ўйлаб, ўзимга таниш бўлган бир нечта участка инспекторларини кўз олдимга келтирдим. Ва Носир акага ўхшаганлар жуда-жуда камлигидан ачиниб кетдим. Унинг иш тажрибалари оммалаштирилмаганлигидан афсусландим.

Умр мазмунини ҳамма ўзича тушунади. Камроқ ишлаб, кўпроқ шон-шуҳратга бурканишни ўйлайдиганлар бор. Бир умр ўз манфаатини кўзлаб, виждони олдида ҳисоб бермайдиганлар бор. Бутун умрини яхшиликка, одамларга сарфлайдиганлар бор. Бундайлар ўзларини унутиб, одамлар ташвиши билан яшашади, мукофотлар, шон-шуҳратга даъвогарлик қилишмайди. Умр мазмунини, бахтини одамларга ёруғ юз билан қараш деб тушунишади. Носир ака шундай инсонлардан.

Инсон қалбининг бутлиги, умрининг давоми унинг фарзандларига боғлиқ. Носир ака оиласи жам бўлса бир уй торлик қилади. Ундан невaралари қанчалигини сўрадим. Носир ака бир зум ўйга толиб қолди, сўнгра «Ҳеч санамаган эканман», деди кулимсираб. Ва ҳисоблай бошлади: — Хўш, Раънода тўртта, Маъпурада тўртта, Дилбарда учта, Сайфуддинда тўртта... эликка яқин экан.

Носир ака учун энг яхши кунлар оила аъзолари тўпланган, турмуш ўртоғи Алиниса ая билан неваралари қуршовида қолган кунлар. Носир ака ўз умри давомини ана шу фарзандларида кўради. Ана шулар билан унинг қалби бут, умри чексиз. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

С. ОСТОНОВ.

**СУРАТДА: Носир ака Холиқов фарзандлари шаҳарнинг турли жойларида яшашади. Шу сабабли невара-эвараларининг ҳаммасини тўплаб, суратга олишнинг имкони бўлмади. Юқоридаги суратни эса оила альбомидан «Тошкент оқшоми» учун олдик.**

# НУР УСТИГА НУР БЎЛАРДИ

Биз, Киров районига қарашли «Обод» маҳалласида истиқомат қиламиз. Яқинда кўчамизда катта ўзгариш рўй берди. Эски симёғочлар олиб ташланиб, ўрнига янгилари ўрнатилди. Бундан маҳалла аҳли жуда хурсанд бўлди. Айниқса электр фонарларининг кўчамизни чароғон ёритиб туриши ҳаммамизни беҳад ҳушнуд этди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида маҳалламизга қарашли хонадонларга телефон тушиши муносабати билан симёғочларга телефон кабеллари тортиб кетилди. Бироқ, телефон кабеллари тортилган ёғочларнинг оралиқ масофаси ҳаддан ташқари узунлиги сабабли кабеллар ер бағирлаб осилиб ётибди. Қолаверса бу хавфсизлик назорати қонун-қоидаларига ҳам тўғри келмайди. Агар телефон-автомат станцияси бошлиқлари электрчилардан ўрнак олиб телефон сими тортилган устунларни янгиси билан алмаштириб кетишса нур устига нур бўларди. Бу билан улар биринчидан ўзларининг қимматли вақтларини тежаган, иккинчидан эса хавфсизлик назоратига тўла риоя қилган бўлур эдилар.

А. МУРОТОВ,
меҳнат ветерани.

# ЗОРА ИНСОФГА КЕЛИШСА

**Ҳурматли редакция! Мен шаҳримизнинг 2-Шароф проездидаги 6-уйда истиқомат қиламан. Ўзим Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветераниман. Урушда бир оёғимдан ажралиб қайтдим. Яқинда ҳаётимда яна бир фожиа рўй берди. Икки кўзим кўрмай қолди.**

**Уруш инвалиди бўлганим учун 1979 йилда уйимизга телефон тушириш ҳақида навбатга турган эдим. Мана орадан саккиз йил ўтяптики, ҳамон телефон тушишидан дарак йўқ. Ушбу мактуб газета саҳифасида эълон қилинса уни ўқиган мутасаддилар балки инсофга келишармикан деган умидда мақолани редакцияга йўлладим.**

К. НИКИНБОЕВ,
ветеран.

